


6-20-2020

YURI BREGEL – RESEARCHER OF KHOREZM TURKIC SOURCES

Nargiza Adambaeva Researcher

Tashkent State Institute of Oriental Studies, Tashkent, Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Adambaeva, Nargiza Researcher (2020) "YURI BREGEL – RESEARCHER OF KHOREZM TURKIC SOURCES," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 3.

DOI: 10.36078/987654433

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss2/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Наргиза Адамбаева

Тошкент давлат шарқшунослик институти
тадқиқотчиси

ЮРИЙ БРЕГЕЛЬ ХОРАЗМ ТУРКИЙ МАНБАЛАРИ ТАДҚИҚОТЧИСИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақола шоир, тарихчи, таржимон ва давлат арбоблари бўлган Мунис ва Огаҳийнинг – “Фирдавс ул-иқбол” асарини Америка олими Ю.Брегель (1925–2016) томонидан ўрганилишига бағишланган. “Фирдавс ул-иқбол” асари қомусий характерга эга ноёб асардир. Унда Хоразм тарихи, маданияти, этнографияси, адабий муҳити, ижтимоий жараёнлар тарихий-бадий шаклда ёритилган. “Фирдавс ул-иқбол” асарини ҳар томонлама ўрганиш нафақат юртимиз, балки чет эл олимларини ҳам қизиқтирган, натижада дунё илм фанида бизга маълум ва маълум бўлмаган тадқиқотлар юзага келган. Муаммонинг хориж олимлари томонидан ўрганилиши етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу илмий эҳтиёж мақолада филологиянинг долзарб мавзуларидан бирини ёритишга асос бўлиб хизмат қилди. Юрий Энохович Брегель – америкалик тарихчи, шарқшунос, Ўрта Осиё тарихи, маданияти ва адабиётига бағишланган бир қанча монографиялар муаллифи. Жумладан, олим Хива хонлари тарихига бағишланган “Фирдавс ул-иқбол” асарини жиддий ўрганган, илмий танқидий матнини яратган. Шунингдек, асарни инглиз тилига таржима қилиб, хориждаги китобхонларни, илм аҳлини Огаҳий ва Мунис ижоди, “Фирдавс ул-иқбол” асарининг ёзган моҳияти билан таништиришда муҳим рол ўйнаган. Ю.Брегелнинг асар ҳақида ёзган сўзбоши тўрт қисмдан иборат: биринчи қисм асар муаллифлари Мунис ва Огаҳий ижодий фаолиятига, иккинчи қисм “Фирдавс ул-иқбол” асарининг моҳиятини очишга, учинчи қисм асарининг ўрганилишига ва

Nargiza Adambaeva

Researcher, State Institute of Oriental Studies

YURI BREGEL – RESEARCHER OF KHOREZM TURKIC SOURCES

ANNOTATION

The article studies the analysis done by American scholar Y. Bregel (1925–2016) of the poet, historian, translator and statesmen Munis and Oghahiy’s “Firdavs ul-Iqbal”. “Firdavs ul-Iqbal” is a unique encyclopedic work that reflects the history, culture, ethnography, literary environment and social processes of Khorezm in historical and artistic form. A comprehensive study of “Firdavs ul-Iqbal” interests not only local scientists but also foreign scholars, as a result, there is known and unknown studies appeared in scientific sphere. The study of the problem by foreign scholars has not been sufficiently researched. This scientific need served as the basis for covering one of the urgent problems of philology. Yuri Bregel was an American historian, orientalist, and author of several monographs on the history, culture and literature of Central Asia. In particular, the scientist studied the work “Firdavs ul-Iqbal” seriously, and dedicated to the history of the Khiva khans, and created a scientific critical text. He also translated the work into English and played an important role in acquainting foreign readers and scholars with the essence of the work “Firdavs ul-Iqbal” by Oghahiy and Munis. The preface by J. Bregel about the source consists of four parts. The first part is devoted to the works of Munis and Oghahiy, the second part covers the properties of “Firdavs ul-Iqbal”, the third to the study of the work and the fourth part reveals the characteristics of handwritten copies of the source. The author of the article revealed the scientist’s research skill as much as possible based on Y. Bregel’s scientifically rich English preface

Key words: Khorezm literary environment of the XIX century, Munis, Oghahiy, “Firdavs ul-Iq-

тўртинчи асарнинг кўлёзма нусхалари хусусиятларига бағишланган. Мақолада, инглиз тилидаги сўзбошига асосланиб, олимнинг тадқиқотчилик маҳорати имкон қадар очиб берилган.

Калит сўзлар: XIX аср Хоразм адабий муҳити, Мунис, Огаҳий, “Фирдавс ул-иқбол”, сўзбоши, тарихий воқеалар, кўлёзма нусхалар.

bal”, introduction, historical events, manuscripts.

КИРИШ

XIX аср Хоразм адабий муҳити Мунис (1778-1829) Огаҳий (1809-1874), Комил Хоразмий (1825-1899), Муҳаммадрасул Мирзо (1840-1922), Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844-1910), Аҳмад Табибий (1869-1911), Мутриб Хонахоробий (1870-1925), Аваз Ўтар (1884-1919), Муҳаммад Юсуф Баёний (1840-1923) каби кўплаб иқтидорли шоир, тарихчи, таржимонлари билан машҳурдир. XIX аср Хоразм туркий, адабий-тарихий манбалари ўзбек мумтоз адабиётининг ҳали тўлиқ ўрганилмаган жиҳатларидан биридир. Бу, энг аввало, кўпгина асарларнинг ҳали ҳам кўлёзма ҳолида эканлиги, табдил қилинмагани, илмий-танқидий матнлар етишмаслиги билан ҳам белгиланади. Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол” асари ана шундай, филологик жиҳатдан кам ўрганилган, аммо катта аҳамиятга эга асарлардан биридир. Асарни шоир, тарихчи таржимон Мунис бошлаб берган бўлса, унинг жияни, иқтидорли шоир ва давлат арбоби Огаҳий давом эттирган. “Фирдавс ул-иқбол” асарида қадим даврлардан тортиб, 1825 йилгача бўлган Хоразм тарихи билан боғлиқ воқеалар тарихий-бадиий йўл билан ёритилган. Асарнинг қиммати ҳақида ўзбек ва хориж илм-фанида кўплаб фикрлар билдирилган. “Фирдавс ул-иқбол” асарининг тарих илмидаги аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қадим давридан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) давригача бўлган сиёсий тарихи хронологик тартибда баён этилади. Мунис қадим замонлардан бошлаб Абулғозихон давригача Хоразмда бўлган воқеаларни баён этаркан, Абулғози давридаги Хива ва Бухоро хонлиқларининг ўзаро муносабатларига ҳам тўхталиб ўтган. Шунингдек, асарда XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи чораги, яъни Кўнғирот сулоласи вакилларининг Муҳаммадамин иноқ (1755–1790), Аваз иноқ (1790–1804), Элтузархон (1804–1806) ва Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825)нинг Хоразмда ҳукмронлик қилган йилларидаги тарихий воқеалар баён қилинган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга доир айрим маълумотлар ҳам берилган» [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 9].

1988 йили америкалик олим Ю.Брегель Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарини изоҳлар билан илмий-танқидий матнини, ўн йиллик танаффусдан кейин – 1999 йили эса инглиз тилига таржимасини нашр қилдиради [Yuri Bregel, 1988; 6]. Асарнинг тили арабий ва форсий ибораларга бой бўлгани ва ўзига хос шарқона усулда яратилгани боис, инглиз тилига таржимаси осон

кечмаган. Ю.Брегель бу борада кўплаб олимлар билан бамаслаҳат иш олиб боргани, жумладан, фан доктори Акимушкин (Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург филиали), профессор Роберт Данкофф (Чикаго университети), фан доктори Ерофеева (Тарих ва этнография институти, Олма-ота), профессор Борис Литвинский (Шарқшунослик институти, Москва), Александр Наймарк (Индиана университети), доктор Бенно ван Дален (География институти, Москва), профессор Девин Девис (Индиана университети) каби шарқшунослар унга жуда катта ёрдам берганини мамнуният билан эслайди [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1999; 29].

“Фирдавс ул-иқбол” асарининг яралганидан салкам икки аср ўтгач, биринчи марта, 2010 йили Ўзбекистондаги нашрлари амалга оширилди ва китобхонларга етказилди [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 381]. Ушбу нашрлар айнан Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида амалга оширилган. Жумладан, Ш.Воҳидов, И.Бекчонов, Н.Полвонов биргаликда тайёрлаган асар табдилига ёзилган сўзбошида мазкур табдилга Ю.Брегель томонидан тайёрланган илмий-танқидий нашр асос қилиб олингани, табдил матнини Ю.Брегель томонидан тайёрланган илмий-танқидий нашри билан таниқли олим Исмоил Бекжонов солиштириб ўрганган, матндаги араб тилидаги жумлалар, оят ва ҳадисларни тўғри ўқиш ва таржима этишга Нозимжон Иминжонов яқиндан ёрдам бергани маълум қилинган [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 17].

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

“Фирдавс ул-иқбол” асарининг Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матн нашрида ноёб маълумотларга тўла, ҳали фанимизда деярли ўрганилмаган инглиз тилидаги сўзбоши берилган [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988; 1–58]. Ҳажман ноанъанавий бўлган сўзбоши (60 бет) тўрт қисмдан иборат: биринчи қисм асар муаллифлари Мунис ва Огаҳий ижодий фаолиятини, иккинчи қисм “Фирдавс ул-иқбол” асарининг моҳияти, учинчи асарнинг ўрганилиши ва ниҳоят, тўртинчи қисм асарнинг қўлёзма нусхалари хусусиятларини очишга қаратилган. Даставвал муаллиф инглиз китобхонини Мунис ва Огаҳий шахсияти, ижодий мероси билан таништиради. Бу ўринда биз билган маълумотлардан ташқари, Муниснинг устозлари, Огаҳийнинг таржима асарлари хусусидаги айрим янгиликларни ўқиймиз. Жумладан, Муниснинг Сайид Эшон Хўжа ва Сайид Музаффар Хўжа каби устозлари бўлгани, ёшлигидан шеърят ва тарихда билимдон кишиларга суянганлиги қуйидагича изоҳланган: “Munis tells nothing about his learning except for the names of his two teachers (ustad): Sayid Ishan Khoja, who was also his neighbor in Khiva when he was ten or eleven years old, and Sayid Muzaffar Khoja Mutavalli, whom he mentions on three different occasions, citing also his Persian and Chaghatay poems. It is difficult to say what kind of education he received under these (and probably also other) tutors/In any case, it is clear that he knew Persian and Arabic well, had a usual adab training and from his youth leaned towards poetry and history and the company of learned men” [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988; 4].

Огаҳий таржималари ҳақида ахборот берар экан, Ю.Брегель унинг олти тарихий таржима асарининг номи шоирнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони деб бочасида келтирилгани («Равзат ус-сафо», «Тарихи жаҳонкушои Нодирий», «Зафарнома», «Табақоти Акбаршоҳий», «Тазкираи Муқимхоний», «Равзат ус-сафойи Носирий», аммо еттинчиси, яъни Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг “Дурраи нодира” асари таржимаси ҳақидаги ахборот фақат каталогларда учраши ҳақидаги ноёб маълумотни келтиради: “Agahi by far exceeded his uncle and teacher by the volume of his literary production. His poetry (predominantly in Chaghatay, but including also a number of poems in Persian) was collected in a divan (entitled Ta’vidh al-ashiqin) rather late, at the request of Sayid Muhammad Khan (1272-1281\1856-1864), but this divan must have been supplemented also much later, continuing almost until the end of his life. He was especially prolific as a translator into Chaghatay from Persian. In his time the translation of Persian works which had begun in Khiva apparently with Munis was developing rapidly, and Agahi was the most active writer in this field. In the preface to his divan he gives the total number of his translations as 19. Among them there are such works as Gulistan by Sa’di, Yusuf u Zulaykha by Jami, Shah u gada by Hilali, Haft paykar by Nizami, Zubdat al-hikayat by Muhammad Varith, Qabus-nama, Akhlaq-i Muhsini by Husayn Kashifi, Miftah al-talibin by Mahmud Ghizhdvani, Salaman u Absal and Baharistan by Jami, Hasht bihisht by Amir Khusraw, and Vasifi. Six translations of historical works appear in the same list (1) Rawzat al-safa by Mir Khand, of which Agahi translated the second part of the second volume and the third volume; [Халлиева Г., 2018; 275] Rawzat al-safa-yi Nasiri by Riza-Quli Khan, vol.3; [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 381] “Nadir-nama” – apparently, Tarikh-i jahangusha-yi Nadiri by Mahdi Khan Astarabadi; [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010] Zafar-nama (apparently by Sharaf al-Din Yazdi); [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988]. Tabaqat-i Akbar-Shahi; [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1999; 718] Tadhkira-i Muqim-Khani. A seventh historical translation by Agahi, not mentioned in his list, appears in the catalogues: Durra-i nadira by Mahdi Khan” [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988]. Ушбу маълумотлар Ю.Брегелнинг ниҳоятда синчковлик билан иш олиб борганидан, Мунис ва Огаҳий ижодига дахлдор кўп манбаларни, дунё каталогларини ўрганганлигидан далолат беради.

Ю.Брегель ёзган сўзбошининг “Фирдавс ул-иқбол” асарининг яратилиш тарихига бағишланган иккинчи қисмида асарнинг Хива хони Элтузархон буйруғига биноан ёзилгани, асарнинг 5 бобдан иборат эканлиги, боблар ҳажман тенг эмаслиги, унда қадим даврлардан тортиб, 1825 йилгача бўлган Хоразм тарихи билан боғлиқ воқеалар баён қилингани ва бошқа маълумотлар келтирилган. Асарнинг тарихий бадиий йўсинда яратилиш сабаблардан бири – Элтузархоннинг Мунисга насрда ҳам, назмда ҳам ўзининг нафислиги билан ажралиб турадиган тарих битишига даъват этиши билан ҳам белгиланади.

Ю.Брегель асарнинг услуби борасида ўз фикрларини билдириб, рус олими П.П. Ивановнинг [Иванов П.П., 1938; 23–28] “асар ниҳоятда жимжима-

дор, арабий-форсий ибораларга, метафораларга тўла тарзда битилган”, деган қарашларини, бироз муболағали деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, Мунис ва Огаҳийнинг баён услуби синкретик (аралаш) хусусиятга эга. Муаллифлар айрим анъанавий тасвирлар: ҳарбий юришлар, шоҳларга хос жиҳатларни ёритишда мураккаб истиоравий баён услубидан, бошқа тасвирларда оддий услубдан фойдаланилган.

Бизнингча, бу борада П.П. Ивановнинг фикрлари ҳақиқатга яқин бўлиб, Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарлари, бошқа тарихий асарлардан ўзининг нафис тили, мумтоз услуби билан фарқ қилади. Фан тарихидан маълумки, Хоразмда XIX асрда тарихий ва бадий асарлар ёзишда ўзига хос анъана шаклланиган, Мунис бошчилигида мактаб яратилган, китобхонлик ривожланган. Илмий адабиётлардаги фактларга кўра, “Мунис Хива хони саройида китоб ва китобхонликка муносабат юқори бўлгани ҳақида бир ўринда: «Аксар авқот (вақтлар) базми ишрат ва мажлиси тарабда ахёр ва аброр, шуаро ва фузало била суҳбат тутуб, ҳалли мушкилоти ақлий ва кашфи муғлақоти нақлий қилиб, маоний рангин шаробидин саршор кайфият бўлур эрди» деб ёзган бўлса, яна бир ўринда, Элтузар Иноқ хонни шундай таърифланган: «...даврон ҳукуматида аксар тавоиф бани одои иш ва фазл иктисобиға биқадри васъе рағбат кўргузуб, мажолис ва маҳофилда ҳунар ва фазой ва китобхонлик ва шеършунослик ва латифагўйликдин ўзга сўз жорий бўлмас эди». Огаҳий назарида Хива маданий тараққиётига кўп ҳисса қўшган Оллоқулихон «таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифагўйлиғ укувининг хайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалойи замонга ҳайрат бармоғин тишлатур эрди» [Халлиева Г., 2018; 199].

Шу жиҳатдан, юқоридаги фактларни инобатга олсак, Ю.Брегелнинг Мунис ва Огаҳий шоҳларга хос жиҳатларни ёритишда мураккаб баён услубидан, бошқа тасвирларда оддий баён услубидан фойдаланилганлиги ҳақидаги фикри, доимо халқ манфаатини ўйлаб иш кўрган икки буюк мутафаккирнинг ҳаёт тарзи ва ижодий принципларига тўғри келмайди.

“Фирдавс ул-иқбол” асари тарихий-бадий асарлар сирасига киради. Чунки унда тарихий воқеалар баённи янада қизиқарлироқ етказиш мақсадида бир қанча шеърлар, ривоятлар, мақол ва маталлар келтирилган. Бу асарни тарихий-бадий манба сифатида ўрганишга тўла асос беради. Тўғри таъкидланганидек, “гарчи “Фирдавс ул-иқбол” тарихга оид асар бўлса-да, у Мунис ва Огаҳий каби улўғ сўз санъаткорлари қаламига мансублиги ҳамда ўша давр анъанасига кўра хос кишилар, яъни муаллифлар тили билан айтганда “фатонат аҳли (ўткир ақл ва зеҳн эгалари)”, “махдум, мавлоно” каби олим ва фозил кишилар назарда тутилиб ёзилган. Шу сабабли асар тили, айниқса, Мунис таълиф қилган қисмлар жуда мураккаб бўлиб, арабча, форсча сўз, ибора, мақол ва шеърлий парчалар билан тўлиб-тошган” [Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 18]. “Асарда шеърлий безак (стиходекорь) ҳам жуда кучли берилган, Мунис жами 2915 мисрадан иборат 683 шеърлий парча, Огаҳий эса 514 мисрадан иборат 84 шеърлий парчаларни киритган, шеърлий парчалар Мулло Саййидойи Бухорий, Низомий, Саъдий, Фирдавсий, Мирзо Нозим Ҳиравий ва олтитаси номаълум шо-

ирларга тегишлидир [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 11]. Бу жиҳат Ю.Брегель ёзган сўзбошида атрофлича ёритилган: “All other poems cited belong to Khorezmian poets of the 18th and 19th century, namely: Persian poems by Sayid Muhammad Akhund, Sayid Muzaffar Khoja Mutavalli (Munis’ teacher), ‘Umar Khoja Naqib, Mirza Masiha-yi Bukhari, and Vays Niyaz Zirak; Chaghatay poems by Mawlana Vafa, Pahlavan-Quli Rawnaq, Qazi Muhammad Niyaz Nashati, Surur Sha’ir, Muzaffar Khoja Ishan (the same teacher of Munis), and Mulla Niyaz Muhammad Munshi. Altogether there are 19 Persian poetical pieces (242 verses and 3 separate hemistichs) and 9 Chaghatoy pieces (44 verses) belonging to other, named and unnamed, poets; all other poetical texts belong to Munis and Agahi. The poetry of Munis and Agahi included in the Firdaws al-iqbal is entirely in Chaghatay except for most of the chronograms of Munis (16) which are in Persian” [Firdaws al iqbal History of Khorezm, 1988; 34-35].

Ю.Брегель сўзбошисидан шу нарса англашиладики, асардаги шеърлар асосан XVIII–XIX аср Хоразм шоирларига тегишли, улар орасида ҳозирда ижоди деярли ўрганилмаган шоирлар ҳам мавжуд. Масалан, Сайид Муҳаммад Охунд, Сайид Музаффар Хўжа, Умархўжа, Ниёз Зийрак каби шоирлар ижоди фикри-мизга яққол далилдир.

“Фирдавс ул-икбол” асарининг ўрганилишига бағишланган учинчи қисм бу борадаги ахборотларни илк бора жамлаганлиги, Ю.Брегелдан олдин асарнинг ўрганилишига оид айрим маълумотлар, А.Самойлович, В.Бартольд илмий асарларидагина учраши билан белгиланади. Жумладан, Ю.Брегель бу ўринда А.Амирханянс, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, П.П.Иванов, Н.Мингулов, А.Д.Калмыков, Б.В.Лунин каби олимлар турли муносабат билан асарни ўргангани, уларнинг илмий изланишларида асарга оид фан учун керакли маълумотлар мавжудлигини маълум қилади.

Ю.Брегель нашридаги сўзбошининг тўртинчи қисми жуда муҳим масалага: асарнинг қўлёзма нусхалари хусусиятларини, улар орасидаги фарқларни очишга қаратилган. Олимнинг таъкидлашича, фанга «Фирдавс ул -икбол” асарининг 9 та қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, улардан 2 таси Россия Фанлар Академиясига қарашли Шарқ қўлёзмалари институтининг қўлёзмалар фондида (Санкт-Петербург), 5 таси ЎзРФАнинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, 1 таси Хельсинки кутубхонасида (Финляндия), яна бири Истамбул кутубхонасида сақланмоқда.

Ю.Брегель манбаларни солиштириш орқали фанда биринчи бўлиб, Санкт-Петербургда сақланаётган 571 (590) рақамдаги қўлёзманинг Мунис ва Огаҳийнинг автографи эканлигини исботлайди. Шунингдек, олим илк бора, асарнинг фанга маълум 9 та қўлёзмаси, уларнинг қайси каталогларга киритилгани ҳақида юқоридаги шаклда бирма-бир ахборот беради.

ХУЛОСА

Ўрганиб чиққанимиз, сўзбошининг охирида келтиришича, Ю.Брегель асар нашрини 1972 йили, Москвада Шарқшунослик институтида тайёрлашни бошлаган. Илмий-танқидий матнни тайёрлаш мақсад қилингани боис жараён

бир неча йил давом этган. “Фирдавс ул-иқбол” асарининг Санкт-Петербургдаги нусхалари билан таништиришда Ю.Брегелга рус олими П.А.Грязневич яқиндан ёрдам берган (*This difficulty was fortunatcly overcome owing to my Leningrad friend P.A.Gryaznevich*). Олимнинг таъкидлашича, матнни тайёрлаш 1977–1978 йиллари Принстондаги илмий изланиш институтида яқунланган. 1981 йили «Брилл» нашриёти йиллар давомидаги изланишни чоп этишга розилик билдирган, аммо хар хил техник қийинчиликлар туфайли босиб чиқариш беш йил давом этган. Ниҳоят, “Фирдавс ул-иқбол” асарининг Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матни 1988 йили нашр қилинган. Ушбу нашрнинг сўзбошида олим нашрни тайёрлашда ёрдам берган П.А.Грязневич, К.Х.Менгес, М.Ж Кистер, М.Занд, А.Нетзер каби бир қанча олимларга, шунингдек «Брилл» нашриётига, нашр ҳомийларига ўз миннатдорчилигини билдиради [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988;1-58].

Ушбу маълумотлар бир томондан, илмий нашр тарихи ҳақида, иккинчи томондан шу даврда фаолият олиб борган чет элдаги шарқшунос олимлар хусусида ахборот беради. Шунингдек, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асари нечоғли аҳамиятга эгалигидан, америка олимнинг тадқиқоти диққатига сазовор бўлиб, жиддий ўрганилганидан дарак беради. “Фирдавс ул-иқбол” асарини ўрганиш тадқиқотчидан юксак даражадаги билим ва тажрибани, шунингдек, бир вақтнинг ўзида ҳам филологик, ҳам тарихий билимни талаб қилади.

Ю.Брегель нашридаги сўзбошини тадқиқ ва таҳлил қилиш асосида олимнинг нечоғли синчковлик билан иш олиб боргани маълум бўлди. Ю.Брегель умрининг чорак асрини “Фирдавс ул-иқбол” асарини ҳар томонлама тадқиқ қилишга, инглиз тилига таржима қилишга бағишлаган. Ўрта Осиё тарихига оид манбаларни текшириш асносида олим фан учун муҳим кўпгина янгиликларни аниқлайди, хориж китобхонига тақдим қилади. “Фирдавс ул-иқбол” асарининг комусий характери манбани келажакда ҳар томонлама: тарихий, географик, филологик, ижтимоий жиҳатдан ўрганишга кенг йўл очади.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR

1. Ivanov P. P. Xivinskije xroniki XIX v. Munisa-Agexi kak istochnik po istorii turkmen // Materiali po istorii turkmen i Turkmenii. – Т.И.–М–Л.,1938. – С.23–28.
2. Xallieva G. XX Rossiya sharqshunosligi va o'zbek mumtoz adabiyoti. –Toshkent: Muharrir, 2018. – 275 b.
3. Shermuhammad Munis Xorazmiy, Muhammadrizo Ogahiy. Firdavs ul-iqbol // nashrga tayyorlovchilar: Jumaxo'ja, S.Ro'zimboev, A.Ahmedov. — Toshkent: O'qituvchi, 2010. – 381 b.
4. Shermuhammad Munis Xorazmiy, Muhammadrizo Ogahiy. Firdavs ul-iqbol // nashrga tayyorlovchilar: Sh.Vohidov, I. Bekchonov, N.Polvonov — Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – 518 b.
5. Firdavs al iqbal History of Khorezm, edited by Yuri Bregel. Leiden. New York. 1988. –1280 p.
6. Firdavs al iqbal History of Khorezm. Translated from Chaghay and Annoted by Yuri Bregel, Leiden Boston, 1999. –718 p.

REFERENCES

1. Ivanov P. P. Khiva chronicles of the XIX century Munisa-Agehi as a source on the history of Turkmen // Materials on the history of Turkmen and Turkmenistan. –T.II. –M–L., 1938. – S. 23– 28.
2. Khallieva G. XX Russia oriental studies and Uzbek classic literature. – Tashkent: Mukharrir, 2018. – 275 p.
3. Shermukhammad Munis Khorazimiy, Mukhammadrizo Ogahiy. Firdavs ul- Iqbol // prepared for publishing: Jumakhoja, S.Ruzimbayev, A.Akhmedov. – Tashkent: Ukituvchi, 2010. –381 p.
4. Shermukhammad Munis Khorazimiy, Mukhammadrizo. Firdavs ul- Iqbol // prepared for publishing: Sh.Vokhidov, I.Bekchonov, N.Polvonov. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2010. –518 p.
5. Firdavs al iqbal History of Khorezm, edited by Yuri Bregel. Leiden. New York. 1988. –1280 p.
6. Firdavs al iqbal History of Khorezm. Translated from Chaghay and Annoted by Yuri Bregel, Leiden Boston, 1999. –718 p.